

Эртанги кун эгаларига эътибор

Истиқлол йилларида мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, келажаги буюк давлат куриш йўлида дадил одимламоқда. Айтиш жоиз, ўтган вақт мобайнида юртимизда тараққиётнинг «ўзбек модели» тамойиллари асосида амалга оширилган туб ислохотларнинг нечоғли кенг кўламли ва ҳайтий экани дунёнинг кўплаб давлатларига салбий таъсир кўрсатган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни шароитида яққол кўзга ташланди.



ADOLAT

SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Худойёр МАМАТОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
«Адолат» СДП Сўбейи Кенгаши
раиси ўринбосари

Бугун мамлакатимизда ҳар бир соҳада эришилмаётган ютуқлар билан ҳар қанча фасрлансак эришилади. Фахрланиш асосида буюк келажикнинг яна бир амали баркамол авлодни тарбиялаш ҳам доимо дивқат-эътиборда эканидан қўнғилга ажиб ёрутлик инаниш. Давлатимиз раҳбари бу ҳақда шу йил 10 март куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жаъмараси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида яна бир бор таъкидлади: *«Албатта, табиий бойликлар, иқтисодий саломатлик, давлат ва жамият қурилиши йўлидаги ютуқлар буюк келажикнинг асоси ҳисобланади. Шу билан бирга, буюк келажикнинг бир амали борки — бу ёш авлоднинг саломатлиги, жисмонан ва маънан етук инсон бўлиб етишишидир»*.

Дарҳақиқат, ҳар жаҳондан етук ва соғлом авлод жамиятнинг мустақкам таяғи, мамлакат келажикнинг муҳим кафолати саналади. Шу маънода давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном берилиши замирида ана шу уйғунлик ва унга ҳосил қилини кўриш мумкин. Зотан, олимизга қўйган буюк мақсадларимиз, эзгу ниётларимизнинг амалга ошириши кўп жиҳатдан суяғичимиз ва таянчимиз бўлган баркамол авлод билан чамбарчас боғлиқ. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятнинг аввалолибор ўзиниз учун, ўсиб келаётган, бугун бошлаган ишларимизни эртага давом эттиришга қодир фарзандларимиз учун қурмоқдамиз.

Интеллектуал салоҳияти юксак, пухта билимли, жисмонан бақувват, кенг дунёқарашга эга ёшларни тарбиялаш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури нафақат жисмонан, балки маъна етук авлодни тарбиялаш йўлида навбатдаги залворли қадам бўлиб, унда белгиланган вазифалар мамлакатимизда соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратилишига қаратишгани билан эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасининг яқинда бўлиб ўтган маж-

лисида таъминлаш ишчи, жорий йилнинг биринчи чорагида Давлат дастурида белгиланган талбирларнинг амалга оширилишига 1,4 триллион сўм ва 25,4 миллион АҚШ долларини йўналтирилди. Уқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, шу жумладан, 1551 та мактабни компьютер техникаси билан, шунингдек, қишлоқ жойлардаги 316 та мактабни ўқув-лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

«Адолат» сошиал-демократик партияси ҳам «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, бу борда қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, жорий йилнинг апрель ойинача бўлган даврада Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг марказий ва минтақавий ташкилотлари томонидан Давлат дастури исқросини таъминлаш, унинг мазмуни-моҳиятини аҳолига тушунтириш бўйича 146 та исқтисмоний-сиёсий, маданий-маънавий талбир ташкил этилиб, уларга 17 минг нафардан ортук киши нигтирок этиди. Эътиборли ҳолати, иштирокиларининг аксарияти ёш авлод вакиллари бўлиб, улар талбирлар вақтида ўз фикр-мулоҳазалари билан фоол қўнашишди. Қолаверса, ўз сафига ёшларни бирлаштирган партияимизнинг «Ёш адолатчилар» Кенгаши аъзоларининг ташаббускорлиги ушбу талбирларда яққол намоён бўлмоқда.

Партия ушбу жараёнда ёшларни иш билан таъминлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратмоқда. Хусусан, яқинда Тошкент вилояти партия Кенгаши ташаббуси билан Оққўрғон туманида «Туманда ёшларга иш жойлари муҳайё» ширни остида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди ва унда қўллаб ёшлар иш билан таъминланди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади. Бу бежиз эмас. Зеро, «Соғлом танда — соғлом ақл». Айтиш ўринлики, оммавий спорт ўйинлари ҳамда болалар спортини ривожлантириш партияимизнинг устувор вазифалардан бири бўлиб, бу борда бевосита партия ташаббуси билан жойларда амалга оширилмаётган сўб-ҳароитлар бир томондан ёш авлоднинг маънавий шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда жисмоний чиниқилини таъминлаётган бўлса, бошқа томондан, онда, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруқ келажиги учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эзгу ишлар буюк келажак тинимсизда ўзининг юксак ижобий натижаларини бериши шубҳасиз.